




Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 172-173 (12.233-12.234)

Баҳоси эркин нарҳда



## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



### МАМЛАКАТИМИЗДА

### ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ФАРМОНИГА КЎРА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИ ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ. ЖУМЛАДАН, ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН ҚУЙДАГИЛАР ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИГА МУШАРРАФ БЎЛДИЛАР.

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, эркин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйдагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирланди:

**«Ўзбекистон Республикаси фан арбоби»**  
Муҳамедов Фаҳружон Исроилович — Мирзо Улуғбек номидagi Ўзбекистон Миллий университети ректори

**«Ўзбекистон Республикаси халқ устаси»**  
Мамажонов Воҳиджон Маҳмудович — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, амалий безак санъати устаси

**«Ўзбекистон Республикаси халқ шоири»**  
Шарипов Хусниддин — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»**  
Турдиев Алишер Баҳодирович — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббиси»**  
Аминова Мунира Турсунхўжаевна — Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббиси»**  
Рафиқов Адҳам Салимович — Тошкент тўқимачилик ва енгил сапогат институтининг табиий фанлар кафедраси профессори  
(Давоми 2-бетда)

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун фахрий унвон берилди:

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»**  
Юсупов Хусанжон Абдуғафурович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйдагилар мукофотланди:

**«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан**  
Аббаров Шухрат Бакиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**«Меҳнат шухрати» ордени билан**  
Атамуратов Баймурат — Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақу-пир тумани Давлат солиқ инспекцияси шўъба бошлиғи

**II даражали «Шон-шараф» ордени билан**  
Ашуров Собир Раҳматович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг хизмат бошлиғи  
Жўраев Дилшод Хайтович — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири  
(Давоми 3-бетда)

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### ДИЛЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

Эрк қуёши бошимиз узра чарақлаган кун — мустақиллик айёмининг 21 йиллигига тайёргарлик қизгин тус олган айни дамларда пойтахтимизнинг турли гўшаларида байрам шуқуҳи кезмокда.



Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Чилонзор, Миробод, Сергели туман ҳокимликлари томонидан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» деб номланган навбатдаги байрам тадбири бўлиб ўтди.

Шу кун Чилонзор, Миробод ва Сергели туманлари ижодкор ёшлари ва ёш тадбиркорларининг миллий хунармандчилик, тикувчилик, тўқувчилик, каштачилик ҳамда осори-атика намуналаридан тuzилган кўргазмалар ташкил қилинди. Тадбирга келган ёшлар ўзларини

қизиқтирган касблар бўйича керакли маълумотларга эга бўлишди ва келгусида чуқур билим, касб-хунар кўникмаларини ўзлаштириш мақсадида туманлар «Баркамол авлод» марказлари мутасаддилари билан яқиндан танишиб, уларнинг ташриф қоғозларини олишди.

— Ҳозирда 26 йўналишдаги тўғарақларимиз ёшлар учун фаолият кўрсатиб келмокда, — дейди Сергели тумани «Баркамол авлод» болалар маркази Бадий ижодиёт йўналиши услубчиси Сафура Мухамедова. — Ёзги мавсумда ёшларнинг вақти мазмунли ва фойдали ўтишини ташкил этиш учун 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган 870 дан ортиқ болажонларни тўғарақларга жалб қилдик. Бу-

гунги тадбирда ёшларимиз қамровини янада кенгайтириш мақсадида ўқувчиларимиз томонидан тўқувчилик, кулчулик, бисер ва бошқа бир қатор касб-хунарлар бўйича тайёрланган ижодий ишларни кўргазмага қўйдик.

Тадбир доирасида юқорида санаб ўтилган учта туман маҳаллалари, мактабгача таълим муассасалари ҳамда спорт мажмуалари фаолиятдан ҳам кўргазмалар ташкил этилди. — Спорт мажмуамиз иш бошлаганига уч йил тўлди, — дейди «Чилонзор» болалар спорт мажмуаси раҳбари Турсунбой Абдураимов. — Бугунги кунда мажмуамизга спортнинг ўндан ортиқ тури бўйича 630 нафар ёшлар қатнамокда.  
(Давоми 8-бетда)

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўққизинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси 2012 йил 30 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари эртага — 2012 йил 29 август соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойеида рўйхатга олинади.

• Ватанимиз Мустақиллигининг 21 йиллигига тайёргарлик доирасида мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган ободонлаштириш ва тозалик ойлиги тадбирлари Сурхондарё вилоятида ҳам юқори савияда ташкил этилмокда. Аҳоли турар жойлари атрофи ва маҳаллалар худудида кенг кўламдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушлари амалга оширилаётир. Боғ ва хиёбонларда янги гулзорлар барпо этилмокда. Ариқ-зовурлар тозаланиб, кўча ва йўлаклар, зиёратгоҳ ва муқаддас қадимжолар тартибга келтирилмокда. Дарахтларга шакл берилаётир. Ёрдамга муҳтож оилалар, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий-маънавий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг уй-жойлари ҳомилар кўмагида таъмирлаб берилмокда.

• Наманганда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган «Энг намунали хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

• Ўртачирчиқ туманидаги «Меҳржон» оромгоҳида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида Тошкент вилояти ИИБ профилактика ҳисобида турувчи вояга етмаган ёшлар учун ҳарбий спорт оромгоҳи ташкил этилди. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, вилоят ички ишлар, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган ҳарбий спорт оромгоҳи ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ва фойдали ўтказишга хизмат қилади.

### ЖАҲОНДА

• Ҳиндистоннинг Уттар Прадеш штатидаги Асар қишлоғида севишиб турмуш қуриш қатъиян тақиқланди. Қишлоқ оқсоқоллар кенгаши томонидан қабул қилинган ушбу қоида бузганлар қишлоқни тарк этишга мажбур бўлади. Шунингдек, Асарда қирқ ёшгача бўлган хотин-қизлар жамоат жойларига ёлғиз бориши ва мобил алоқа воситаларидан фойдаланиши ман этилган. Оқсоқолларнинг фикрича, бундай чораларни қўллашдан асосий мақсад маҳаллий хотин-қизлар хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

• Греция ҳукумати мамлакатда тобора авж олаётган иқтисодий бўҳрон оқибатларини бартараф этиш учун молиявий ёрдам сифатида олинган барча кредитларни тўлашга ваъда берди. Маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларга қараганда, айни вақтда Грециянинг бошқа Европа давлатларидан олган қарзи 100 миллиард евродан ошадди. Греция бош вазири Антонис Самараснинг сўзларига кўра, молиявий бўҳрондан энг кўп азият чеккан ушбу мамлакат ҳукумати хориж сармоясини жалб этиш учун янада қулай шароит яратиш ва давлат корхоналарини хусусийлаштириш бўйича кўшимча чораларни амалга ошириш ниятида. Хусусийлаштириш дастури 2016 йилгача давлат бюджетига ўттиз миллиард евро миқдоридан даромад келтириши режалаштирилган.

• Молдовада жорий этилган янги тартибга кўра йўл-патруль хизмати ходимлари ҳайдовчилар билан суҳбат чоғида сақич чайнаши, тамаки чекиши, овқатланиши ва мобил алоқа воситасидан фойдаланиши тақиқланди. Шунингдек, ушбу вазифани бажарувчи шахсларнинг автомобиль ҳайдовчилари билан мавзудан ташқари гаплашиши ва белгиланган вақтдан ортиқ уларни ушлаб туриши ҳам мумкин эмас.

# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

(Давоми. Боши 1-бетда)

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»

**Ашуров Салим Тўраевич** — «Туркистон» ва «Молодежь Узбекистана» газеталари бош муҳаррири  
**Муллабоев Тоир Собирович** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали муҳаррири  
**Пак Лилия Леонидовна** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — Ўзбекистон Республикаси ахборот таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари  
**Тўлаганов Нодир Абдусофиевич** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот» инфор­мацион теледастурлар муҳарририяти бош муҳаррири  
**Холбоев Исроил Бахронович** — «Дўстлик байроғи» — «Знамя дружбы» газеталари муҳбири

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

**Адилов Баҳодир Комилович** — «Ўзбекфильм» киностудияси постановкани режиссёри  
**Ахмедова Тўхфаюн Муҳиддиновна** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Машъал» радиоканали директори  
**Бўриев Луқмон Каримович** — «Ёшлик» журна­ли бош муҳаррири ўринбосари  
**Валиев Ҳожимурод Муҳамеджонович** — Республика илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси бадий раҳбари, кинорежиссёр  
**Мадрасимов Эркин** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюш­маси аъзоси, шоир  
**Раҳимов Алишер Акбарович** — Тошкент кул­олчилик таҳриба комбинати кулол рас­соми  
**Сайдуллаев Темир** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ранг­тасвирчи рас­сом  
**Уразбоева Тозагул Шомуратовна** — «Ора­зибон» фольклор-этнографик халқ ансамбли бадий раҳ­бари  
**Шукуров Эшқобил Жўраевич** — Ўзбекистон Ёзув­чилар уюшмаси аъзоси, шоир

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

**Дусумбетов Муратбой Шамуратович** — Республика Олимпия заҳиралари коллеж­нинг миллий кураш бўлими катта мураббий-ўқитувчиси

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

**Сайидов Рамазиддин Бешимович** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

## «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Абдурахмонова Дилбар Ғуломовна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри директори  
**Тўраев Аббасхон Собирхонвич** — ЎзФА Биоорганик кимё институти директори

## «Меҳнат шухрати» ордени билан

**Азизов Собит Курбонвич** — Тошкент шаҳар нефрология шифохонасининг бўлим мудири  
**Ахмедов Бобомурод Жўраевич** — ЎзФА Ядро физика институтини етакчи илмий ходими  
**Бекназаров Турғун Саидович** — Мухимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри  
**Маҳкамов Қозим Эргашевич** — Республика шаш­килли тиббий ёрдам илмий марказининг нейрохи­рургия бўлими раҳбари

**Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган давлатлардан. Жорий йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 20 йил тўлди. Бу давр мобайнида ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида 2002 йилда Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация қабул қилинган. Ҳозирги кунда давлатларимиз ҳамкорлик ушбу декларация қоидалари ва тамойилларига мувофиқ тенг ҳуқуқлилик, конструктив ҳамкорлик ва манфаатларни ўзаро ҳур­мат қилиш тамойиллари асосида изчил тараққий этмоқда.**

Мамлакатимиз давлат мустақилли­гининг 21 йиллиги арафасида Ўз­бекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА муҳбири Америка Қўшма Штат­ларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жорж КРОЛ билан суҳ­батлашди.

— Ўзбекистон Республикасида 21 йил­лик қисқа давр мобайнида давлат сувере­нитети ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодийни барқарорлаштириш ва из­чил ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди, — дейди Жорж Крол. — Демократик принцип­ларни ўзида мужассам эт­ган ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган, мамлакат тараққиётининг истик­боллини белгилаб берувчи ҳуқуқий асос — Конституция яратилди ва бу борада тегишли институтларни шакллантириш бўйича кўплаб ишлар олиб боришмоқда. Бу ислохотлар халқнинг ва жамиятнинг барча қат­ламларининг қўллаб-қувватлашини талаб қилади. АҚШда ҳам 200 йилдан зиёд­роқ вақт илгари яратилган Конститу­цияда ақл этган қонун-қоидаларни ижро этишга хануз ҳаракат қилиб келаяпмиз.

— Ўзбекистонда 2012 йил Прези­дент Ислоом Каримов томонидан «Мус­тақкам оила йили» деб эълон қилин­ган. Ушбу ташаббуснинг моҳияти ва аҳамияти ҳамда бу борада қабул қилинган давлат дастури ҳақидаги му­лоҳазаларингизни баён этсангиз.

— Оила ҳар қандай жамиятнинг асосини ташкил қилади. Мустақкам ва барқарор оила­лар давлатнинг ҳам мустақкам ва барқарор бўлишини таъминлайди. Бу масала Америка Қўшма Штатларида ҳам устувор ақида сан­алади. Ўзбекистонда оилалар саломатли­гини мустаҳкамлаш, таълим олиш ва иқти­содий жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида зарур шароитлар яра­тилгани ва оилалар бу борада изчиллик билан қўллаб-қувватланаётгани таҳсинга сазо­вордир. Мен Ўзбекистон халқига ва раҳ­

**Муротжўраева Светлана Қодировна** — «Ўзбек­фильм» киностудияси мультипликацион фильмлар постановкани режиссёри  
**Собиров Мирҳамид Муҳамеджонович** — Камолид­дин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти катта ўқитувчиси  
**Усмонов Қаҳрамон Ҳабибуллаевич** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри симфоник оркестри раҳбари  
**Худойбердиев Ахрор Носирович** — Республика Онкология илмий маркази анестезиология ва реани­мация бўлими мудири

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва барка­мол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳис­саси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояла­рига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари ру­ҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар му­кофотланди:

## «Дўстлик» ордени билан

**Айрапетян Армен Иосифович** — «Устозода» уни­тар корхонаси ганчкор ва шакл қуювчи, катталашти­рувчи устаси  
**Аҳмадалиев Файзуллаҳон** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ранг­тасвирчи рас­сом  
**Багрянская Яника Юрьевна** — Алишер Навоий но­мидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опе­ра солисти  
**Джемилев Нусрет Аблякимович** — Тошкент ша­ҳар «Авдет» крим-татарлар миллий маданий маркази раиси  
**Казакова Галина Михайловна** — Енгил атлетика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг мураббий-ўқитувчиси  
**Лебедева Любовь Владимировна** — «Народное слово» газетаси корректори  
**Маликова Дилбар Мирсаъдиевна** — Бадий жа­моалар ижодий бирлашмаси хор жамоаси бадий раҳ­бари  
**Нодирова Феруза Турдиевна** — Ўзбекистон элект­рон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциация­си нодавлат телекомпаниялар телетармоғи муҳаррири  
**Рибар Ирина Аркадьевна** — «Правда Востока» га­зетаси бўлим муҳаррири  
**Содиқов Шерали** — Республика қозоқ миллий ма­даний маркази раиси ўринбосари  
**Сайдуллоев Саидмурод Эргашевич** — Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод ака­демик лицейининг кимё фани ўқитувчиси  
**Сапаров Валерий Ибрагимович** — Ўзбекистон дав­лат консерваторияси эстрада қолғу ижрочилиги ка­федраси катта ўқитувчиси, композитор  
**Ульянова Валентина Алексеевна** — Тошкент дав­лат мусиқали комедия (оперетта) театри балетмейстери  
**Умарова Дилором Қўқоровна** — Ўзбекистон Жур­налистлари ижодий уюшмаси аъзоси, телевидение дирек­тори

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохотлардаги фаол ишти­роки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаб­бат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳур­мат ру­ҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйида­гилар мукофотланди:

## «Шухрат» медали билан

**Абдуллаев Зиёдулла Саъдуллаевич** — Ўзбеки­стон давлат миллий симфоник оркестри зарбли қолғу­лар гуруҳи артисти  
**Абдуқандузова Валентина Николаевна** — Ўзбек миллий академик драма театри гримёри

**Аъзамова Гулчехра Азизовна** — ЎзФА Тарих институти етакчи илмий ходими

**Адилов Шухрат Камолович** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Тошкент радиоэшиттириш уйи овоз ёзиш хизмати бошлиғи

**Бобомуродов Бахтиёр Бойназарович** — ЎзФА Астрономия институти «Майданак» обсерваторияси тоқари

**Жўрабоева Муборак Аҳмаджоновна** — Республи­ка ёш томолабинлар театри либослар бўлими бош­лиғи

**Жалолова Улдон Музаффаровна** — «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи буклов машинаси маши­нисти

**Исмоилов Шарофиддин Нуриддинович** — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси китоблар мажмуаси қирқув дастоғи машинисти

**Кобилова Зиёда Ўткировна** — «Ўзбекнаво» эстра­да бирлашмаси хонандаси

**Каримов Абдуҳамид Қайумович** — Ўзбекистон Ба­дий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, миниатюрчи рас­сом

**Кострикина Антонина Владимировна** — «Ўқитув­чи» нашриёт-матбаа ижодий уйи муқоваловчиси

**Кубаева Дилноза Оқилбековна** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Кўзиёва Назира Ўсаровна** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, кулол

**Маматурдиев Дилшод Неъматович** — Ўзбекистон элект­рон оммавий ахборот воситалари миллий ассо­циацияси ахборот марказининг «Худуд» инфор­мацион дастури бошловчиси

**Матчнов Нуррадин Азодович** — ЎзФА Физика-техника институти етакчи илмий ходими

**Муҳамедова Ҳилола Норқўжаевна** — Республика Марказий кўзи оқизлар кутубхонаси бўлим мудири

**Насибдинов Мирзоаҳмад** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ўймакор уста

**Насимов Ҳилал Тўлқинович** — «Ўзбекфильм» ки­ностудияси режиссёри

**Норқулова Карима Тўхтабоевна** — Тошкент дав­лат техника университетининг илмий ишлар бўйича проректори

**Позилжонов Жаҳонгир Ғайратович** — «Ўзбекна­во» эстрада бирлашмаси хонандаси

**Ражабов Адизхон Нарзуллоевич** — «Ўзбекфильм» киностудияси актёри

**Сафаров Мамадмин Абдуғафорович** — Ўзбек­истон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар муҳарририяти бош муҳаррири

**Тўраева Сайёра Худойназаровна** — Тошкент дав­лат миллий рақс ва хореография олий мактаби қоши­даги хореография коллежи ўқитувчиси

**Тўраонов Бахтиёр Жўраевич** — Нодавлат элект­рон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди «Ёшлар» студияси бош муҳаррири

**Умарова Гулжиян Саъдуллаевна** — «Шарқ» нашри­ёт-матбаа акциядорлик компанияси қозоқ чеҳи устаси

**Ҳамдамов Ўткир Раҳматиллаевич** — Тошкент ах­борот технологиялари университети қошидаги Дасту­рий махсулотлар ва аппарат-дастурий мажмуалар яра­тиш маркази директори

**Шокиров Зоир Соатович** — ЎзФА Микробиология институти лаборатория мудири

**Шарипова Зебинисо Тўлқиновна** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ранг­тасвирчи рас­сом

**Юнусов Ғайбулла Ҳайруллаевич** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Тошкент телемаркази махсус ёритиш гуруҳи бошлиғи

эйтиборни янада кучайтиради, деб ўйлай­миз. Бу борада эркин савдо ҳудудлари муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатларимиз ўртасида, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик ривожини мени ғоят қувонтиради. Фарғона водийси АҚШдаги маҳаллий бозор ва эк­спорт учун қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари етиштириб берувчи Калифорния марказий водийсига ўхшаб бораётганига ғувоҳ бўла­йман. Америка технологиялари ва мар­кетинги Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик озиқ-овқат мах­сулотлари ишлаб чиқарувчи мамлакатга ай­ланishiга ёрдам беради, деб ўйлайман.

— Ўзбекистоннинг минтақада тинч­лик-осойишталик ва барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш бораси­даги саз-ҳаракатлари хусусидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритганидан буён минтақада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Мамлакатин­гиз қўшни Афғонистонга катта иқти­содий ёрдам кўрсатаётгани, у ерда инфратузилмага оид лоийҳаларни амалга ошираётгани таҳсинга сазо­вор. Хусусан, Ўзбекистон ушбу мам­лакатга электр энергияси етказиб бер­моқда, Хайратон — Мозори Ша­риф темир йўл линиясини барпо этди. Бу каби саз-ҳаракатлар Аф­ғонистон иқтисодийни барқарор­лаштиришда муҳим аҳамият касб эт­моқда.

Ўзбекистон минтақавий барқарорликка таҳдид солаётган тибхванд моддалар савдо­сига қарши курашишда ҳам етакчи ўринда туради. Мамлакатингиз биринчи бўлиб Мар­казий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббуси билан чиқди.

Киргизистон жанубида 2010 йилда рўй берган можаролар сабабли Ўзбекистон мазкур мамлакатдан минглаб қочқорларни қабул қилди ва қонли воқеаларнинг янада авж олиб кетмаслиги учун катта масъу­лият билан оқилона иш тутди. АҚШ Ўзбеки­стоннинг минтақада тинчлик ва барқарор­ликни таъминлаш борасида муҳим ва етак­чи ўрнини юксак қадрлайди. Америка Ўзбекистоннинг минтақадаги жўғрофий ўрни, халқининг юксак салоҳияти ва буюк маданиятини ҳисобга олган ҳолда, мамла­катингизни янада кучли, барқарор, фаро­вон ва демократик давлат сифатида кўри­ши ни истайди.

Ирода УМАРОВА сўхбатлашди

**Мамлакатимизда инсонни эъзозлаш, меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш, унга ўз истеъдод ва қобилиятини намойён этиш борасида барча имкониятлар яратилган.**

# ЭЪТИРОФ ВА ИФТИХОР РАМЗИ

## 28 август — «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони таъсис этилган кун

1998 йил 28 августда таъсис этилган «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва «Ўзбекистон ифтихо­ри» фахрий унвони ана шундай эзгу ва улуг ишлар — халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш, ёш авлод истеъдодини рўёбга чиқариш, Ватанимизнинг нуфузини оширишга му­носиб ҳисса қўшаётган ҳамюртларимизнинг са­марали ва баракали меҳнатларининг амалда­ги эътирофи бўлиб хизмат қилаётди.

2011 йилда Президентимиз фармони­га му­вофиқ Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги 6-ихтисослаштирилган мактаб-интернат дирек­тори Раҳима Омонова «Эл-юрт ҳурмати» орде­ни билан тақдирланди. Р.Омонова ўн йилдан буён раҳбарлик қилиб келаётган ушбу таълим маскани иқтидорли ёшларни тарбиялаш бора­сида нафақат вилоят, балки мамлакатимизда ҳам ўз ўрнига эга. Инглиз тили ва математика фанига ихтисослаштирилган мактаб-интернат­нинг ўнлаб битирувчилари орасида халқаро фан олимпиадалари ва Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари бор.

— Қўллаб-қувватлашимиз мамлакатимиз ва хорижий олий ўқув юрталарини муваффақиятли битириб, бугунги кунда Ватанимиз раънақи йўлида самарали меҳнат қилмоқда, — дейди Р.Омонова. — Камтарона меҳматин юксак ба­ҳолашиб, Президентимиз фармони­га мувофиқ, «Эл-юрт ҳурмати» орденига лойиқ кўрилганим­дан бошим осмонга етди.

Инсон омили улугланган, меҳнати қадрлан­ган юр­тада тараққиёт ва ривожланиш бўлади. Мамлакат шаъну шавкатини ошириб, ўзининг фидокорона меҳнати билан юртимиз тараққиёт­ига муносиб ҳисса қўшиб келаётган юртдош­ларимизни рағбатлантириш Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида юритилаётган оқилона сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир. «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мамлакатимиз мустақиллигини, унинг иқтисодий қуд­ратини мустаҳкамлашга, миллий маънавиятни, ма­даниятни юксалтиришга катта ҳисса қўшган, ўз меҳнати, илмий, жамоат иши, меҳнатсевар­лиги ва ватанпарварлиги билан кўпчиликнинг иззат-ҳурмати­га сазовор бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мукофотландилар.

Ушбу юксак мукофот мамлакатимизни яна­да раънақ топтириш, буюк аждодларимизга му­носиб баркамол авлодни тарбиялаш, муста­қилликни мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилишда юртдошларимизга кучли рағ­бат бўлиб хизмат қилмоқда.

Орденнинг марказида, доирада қизил йўл билан хошияланган Регистон мажмуи тасвир­ланган. Бу — қадимий, гўзал ва ҳамиша навки­рон Ватанимиз жаҳон цивилизацияси бешик­ларидан бири бўлганини, ана шундай теран илдизларга эга халқ эканлигимизни ва айни пайтда бунга муносиб бўлишга ҳаракат қили­шимиз лозимлигига ишора.

Регистон тасвири ор­тида водийлар, тоғлар, мовий осмон узра қўёш тасвирланган. Бунун тасвир шаффоф эмаль билан қопланган бўлиб, айлананинг пастки қисмида осуда қунарларда тўқис ҳаётни барпо этадиган илҳом завқи, қувончи, ҳур­мат ва шухрат рамзи бўлган даф­на новдаси ўрин олган.

«Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони қитъа ва жаҳон чемпионатларида, Олимпия ўйинла­рида ҳамда бошқа халқаро спорт анжуманла­рида зафар қозонган, нуфузли турнирлардаги ютуқлари билан Ватанимиз шону шухратини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган Ўзбеки­стон Республикаси фуқароларига берилади.

Нишоннинг хошияланган текис юз томонида қумушранг югуриш йўлак­лари билан ўралган стадион тасвирига туташ Олимпия ўйинлари рамзи — беш халқа, шунингдек, давлатимиз гербини тутиб турган икки қўл ифодаланган.

Мамлакатимизда спортни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор натижасида халқаро мусобақаларда мамлакатимиз спортчилари эришаётган ютуқ­лар салмоғи йилдан йилга ошиб бормоқда. Жорий йил ҳам ўзбек спорти тарихида ёрқин галабаларга бой бўлаётди. Яқинда Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида ўтган XXX эъги Олимпиада ўйинларида моҳир дзюдочимиз Ришод Собиров ва эркин кураш устаси Со­слан Тигиев бронза медалини қўлга киритди.

Ҳамюртларимизнинг Ватанимизнинг халқа­ро майдондаги нуфузини юксалтиришдаги ул­кан хизматлари давлатимиз раҳбари томони­дан муносиб тақдирланди: Ўзбекистон Респу­бликаси Президентининг 2012 йил 14 августдаги Фармони­га мувофиқ дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Ришод Собиров ва эр­кин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Со­слан Тигиев «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирланди.

Ўз меҳнати самарасини кўриш, улкан хиз­матлари эътироф этилиб, эл-юрт ҳурмати­га сазовор бўлиш, мамлакатнинг ифтихорига айла­ниш ҳар бир инсон учун катта бахт, энг олий саодатдир.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, ЎЗА шарҳловчиси

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

**Инсопов Шерзод Абдусаматович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Нишанбаев Саидкарим Абдухокимович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари

**Олимов Дилшод Гаффарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Салиев Фарҳад Убайдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси чегара қўшинлари минтақавий штабининг бўлинича бошлиғи

**Ташкулов Инатилло Убайдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Темуров Уйғун Ҳамроевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хидоятлов Рустам Дилмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «Дўстлик» ордени билан

**Аъзамов Жамшид Нормаматович** — Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

**Даубаев Рустем Тохтарбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Дусанов Зоҳид Абдуқаюмович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси

**Мухтаров Мухаммадجان Яруллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Пен Андрей Юрьевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти кафедра бошлиғи

**Таджиев Равшан Тўлқунович** — «Тошкент-АЭРО» ижтисолаштирилган божхона комплекси бошлиғи

**Цой Дмитрий Владимирович** — Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси бўлим бошлиғи

**Шуман Александр Альбертович** — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти бошлигининг ўринбосари

**Яминов Шухрат Махмудович** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш марказининг раҳбари

### «Жасорат» медали билан

**Абдурахманов Эркин Бабаханович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Адилов Хасан Панаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Аметов Нуратдин Джумабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бабаханов Камолiddин Яндирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Дунаев Андрей Евгеньевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Жиянов Жасурбек Комилевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Жумаев Салимжон Аслонович** (марҳум) — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**Зуннов Шоқабар Нариманович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Зуфаров Аҳмад Марсович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ибрагимов Иномжон Искандарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг гуруҳ ўқисси

**Искандаров Умид Атабекович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Исмаилов Аҳмаджон Мухтарович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Кадилов Дониёр Бахтиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи

**Қодиров Зухриддин Абдугаффарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Кузиев Санжарбой Йўлдузбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Маманазаров Гулом Намазбаевич** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Маюсов Нурилло Нимаджанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мелибаев Зафар Сафарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Мирахимов Азизжон Юсупович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Мирахмедов Миркомил Мирқабилевич** — Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Муратов Хуршид Эшназарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг гуруҳ командири

**Набиев Соҳибжон Тулкинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Расулов Элмурод Нурбекович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Рахматуллаев Музафар Анваржонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Саидов Санжарбек Хошимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Содиқов Акмалжон Латифович** — Андижон шаҳар ички ишлар бўлими ёнги хавфсизлиги бўлинича ҳарбийлаштирилган ёнги хавфсизлиги қисми катта ёнги ўқувчиси

**Солаев Шерниёз Нураддинович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Турсуналиев Бахтиёр Муратжанович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Умурзаков Илхомжон Абдумаликович** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Усмонов Сирожиiddин Сафарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хамракулов Наби Қодиркулович** — Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси кутқарувчиси

**Хуррамов Улугбек** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлигининг ўринбосари

**Читқаров Ҳамдамбек Камил угли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси чегара қўшинлари минтақавий штабининг гуруҳ мутахассиси

**Чоршанбиев Бахтиёр Жумагулович** — Қашқадарё вилояти Яқкабоғ тумани ички ишлар бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари

**Шермаматов Аҳмаджон Алимжонович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Шодиев Улугбек Қаюмович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эрметов Махсуд Бақўлатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси чегара қўшинлари минтақавий штабининг гуруҳ командири

**Эшназаров Илҳом Хайруллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ командирининг ўринбосари

**Юлдашев Одил Сотволдиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири ўринбосари

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Абдурашулов Ёдгор Бойқобилевич** — Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси ёнги хавфсизлиги бўлими ҳарбийлаштирилган ёнги хавфсизлиги қисми катта ёнги ўқувчиси

**Абляимов Артур Февзиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Аглаев Ботир Турсунпулатович** — Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари

**Алихон Шухрат Мирзаабдулович** — Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Бирлашган штабининг бўлим бошлиғи

**Баимбетов Ринат Абатбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Ботиров Хасан Арзуддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг биринчи ўринбосари

**Воҳидов Немонжон Абдунабиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Гадаев Уриш Саттарович** — Сирдарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси давлат солиқ бош инспектори

**Газиев Алишер Таирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта техниги

**Гойилов Қодир Бозорбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Давронов Аббосжон Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ердашев Аманбай Базарбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Зарибеков Бахтиёр Маннабович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлим бошлиғи ўринбосари

**Зиябаев Фаррух Нартожиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби бошлигининг биринчи ўринбосари

**Исмаилов Отабек Рахимжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм механик радиотелефонисти

**Исмонов Жамолдин Юсупович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Кадилов Умар Шербоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Камиллов Бахтиёржон Сабирович** — Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Бирлашган штабининг бўлим бошлиғи

**Кошназаров Анавар Акназарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

**Қўчқоров Эркин Кенжаевич** — Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси «Тошкент» аэропортидаги тармок ички ишлар бўлими бошлиғи

**Қушмаков Гулмурод Турғунович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Мақсудов Бахтиёр Ашуралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм звено командири

**Мамасодиқов Нодир Мусахонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм смена бошлиғи

**Мирзаалиев Ботиржон Хакимович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бошқарма бошлиғи

**Мирсалатов Мирзафар** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи

**Насриддинов Рустам Хайдаралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмат бошлиғи

**Низамов Жомол Рашидович** — Наманган вилояти Учқўрғон тумани прокурори

**Обидов Баҳромжон Алижонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Парманов Мирзином Маматкаримович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ражаббаева Дильдора Закировна** — Давлат солиқ қўмитасининг Тошкент солиқ коллежи етакчи ўқитувчиси

**Рузиев Сурхон Хамзаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

**Сидиков Илхом Тожиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сотволдиев Нодиржон Абдувоҳитович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Турсунов Миркомил Темирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Уринбоев Юсуфжон Кабилжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Холиқов Фанишер Ризоевич** — Давлат божхона қўмитасининг Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси «Ғалаба» темир йўл чегара божхона пости бошлиғи ўринбосари

**Худайбердиев Пўлат Аҳматович** — Суд департаментининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

**Шарифов Музаффар Исомиддинович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Қўриқлаш» бошқармаси милиционер

**Шодиев Хаётжон Нодирович** — Бухоро вилояти Қорақўл тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи

**Юсупов Бектош Тойирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «Шухрат» медали билан

**Абдуваҳабова Махмуда Асатуллаевна** — фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси

**Аминжонова Матлуба Аҳмедовна** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари кафедра бошлиғи

**Ахмедова Евгения Собировна** — Самарқанд вилояти прокуратураси нэзир

**Баймуратов Нематилла** — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

**Бердақов Раҳман Есенбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бобоқонова Саломат Нураддиновна** — Хоразм вилояти Янгиариқ тумани давлат нотариал идорасининг нотариуси

**Джавадов Баходир Хусаинович** — Самарқанд шаҳар «Джавадов Х.А.» адвокатлар ҳайъатининг адвокати

**Елмуратов Даулетбай Марқабоевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани прокурори

**Жалолова Надира Раҳмановна** — Наманган вилояти Чуст тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудариси

**Жумаев Шоқат Қулдашович** — Давлат божхона қўмитасининг Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси «Қарши-Керки» чегара божхона пости кичик инспектор-кинолог

**Жўраев Нодиржон Савриддинович** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчилик бош бошқармаси бошлиғи

**Ибрахимов Улугбек Рўзиевич** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валюта оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бўлим бош тафтишчиси

**Исломов Нуриддин Товаккалович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси чегара қўшинлари минтақавий штабининг назоратчи-инструктори

**Казаклов Усман Игамбердиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мамбетаев Нурғали Омарханович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Мардонов Аббор Нурфаизович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Маткаримов Жавлонбек Бозорбаевич** — Хоразм вилояти Хонка тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори

**Машарипова Роза Курбанбаевна** — Урганч ҳарбий академик лицейининг ўқитувчиси

**Мингиров Виктор Шауклович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валюта оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бўлим бошлиғи

**Муминов Авазбек Улугбек ўғли** — Андижон шаҳар маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

**Мусаджанов Кобил Каримович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мустапақулов Одилжон Хошимович** — Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қўқон автомобил мактабининг ўргатувчи устаси

**Мухамедов Умиджон Закирджонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Напасов Аллоқул Ҳамроевич** — Бухоро вилояти Қорақўл тумани маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

**Наркулов Мухаммадали Уктамович** — Тошкент шаҳар Бектемир тумани Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

**Неганова Галина Сергеевна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим мундиси

**Нуруметов Қуат Кеулимжоевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг кутқарувчиси

**Оқолов Оманбай** — Тошкент давлат юридик институти «Ҳўжалик ҳуқуқи ва ҳўжалик процессуал ҳуқуқи» кафедраси профессори

**Оспанов Бекбосиб Салиевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

**Саидов Акмал Жонбоевич** — Қашқадарё вилояти Нишон тумани Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

**Туланов Махаматиброҳим Азимович** — Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти суди судьяси

**Турғунов Махсудали Жураевич** — Фарғона вилояти Қўқон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ бош инспектори

**Турсунов Абдуазим Васикович** — Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Давлат фельдъегерлик хизмати бўлим бошлиғи

**Хамидов Аҳтам Адилевич** — Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ички ишлар бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

**Хасанов Озод Абдимуродович** — Тошкент вилояти Қибрай тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Холматов Хабибулла Хамидуллаевич** — Чирчиқ Олий танқ қўмондон-муҳандислик билим юрти кафедра катта ўқитувчиси

**Шамсиев Сайдамис Хадиевич** — Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

**Шукуров Уткир Рузиевич** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

**Эралиев Дилшод Махаммаджонович** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Эшимбетов Бахтиёр Ҳамроевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судьяси

**Юнусов Мухаммаджон Паттаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Фарғона ҳарбий госпиталининг бўлинича бошлиғи

### Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2012 йил 27 август

Улуг байрамларни юртни обод, кўнгилларни шод этган ҳолда кутиб олиш халқимизнинг эзгу қадриятларидандир. Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида азалий анъаналаримизни эъозлашга қаратилаётган юксак эътибор туфайли ушбу ҳаётий удулар яна таомилга кирди. Байрамлар арафасида шаҳару қишлоқларимизни ободонлаштириш, жамиятда ўзаро ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, беғараз ёрдам ва меҳр-муруват каби эзгу фазилатларни юксалтириш мақсадида умумхалқ ҳашарларини ўтказиш яхши анъанга айланди.

## ҲАМЖИҲАТЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 августдаги фармойишига биноан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида бу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топди.

Ободонлаштириш ва тозалик рўйиги доирасида ташкил этилган мажбур хайрия ҳашаридан қўзланган мақсад мустақиллик байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик қўриш, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, маҳаллалар, турар-жойларни ободонлаштириш, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишдан иборатдир.

Ҳашар кунлари халқимизнинг тинчлик-тотувлик, ободлик ва фаровонликни асраш ва мустаҳкамлашга бўлган интилиши яна бир бор намоён бўлди. 17 миллион нафардан зиёд юртдошимиз ҳашарда фаол иштирок этгани, уларнинг эрмидан қўпи ёшлар экани бунинг далилидир. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва унинг жойлардаги тузилмалари ҳузурида ташкил этилган ишчи гуруҳлари ҳашарчилар фаолиятини мувофиқлаштириб борди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фондида олинган маълумотларга кўра, ҳашар давомида ҳамюртларимизнинг саяб-ҳаракати билан 35 минг гектарга яқин майдон ободонлаштирилган. Қишлоқ ва маҳаллалар, кўп қаватли бинолар ва ҳовиллар атрофи, корхоналар, гузарлар, хиёбонлар, зияратгоҳларнинг фазига фазил қўшилди. 26 минг километрдан зиёд ариқ ва зовурлар тозаланиб, 14 миллиондан кўпроқ дарахт шакл берилди ва оқланди. Ҳашар давомида тўпланган 47 минг тоннадан ортиқ қурилиш ва маиший чиқиндилар алоҳида белгиланган жойларга ташиб кетилди. Бу тадбирларга давлат ва жамоат ташкилотлари, ўн мингга яқин фуқаролар йиғинлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари кенг жалб этилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Она табиятни асраш, аждодлар руҳини шод этиш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир!» шiori остида уйлар атрофи, кўчалар, бозорлар, хиёбонлар ва истироҳат боғларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди.

Ҳашар кунлари пойтахтимиздаги қабристон ва зияратгоҳларда «Камолот-Эко» лойиҳасининг илк тадбирлари ўтказилди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Мухаммаджонова. — Ил давомида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа доирасида ёшлар ўзи истикомат қилаётган ҳудуддаги зияратгоҳлар атрофини ободонлаштириш бормоқда. Мамлакатимизда умумхалқ ҳашари эълон қилинган кунларда улар ташкилотимиз томонидан рағбатлантирилди. Кун кеча ўтказилган ҳашар доирасидаги тадбирларда пойтахтимиз ёшлари фаол иштирок этди.

Ҳашар юртимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда ўтди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманидаги «Бўстон», Андижон шаҳридаги «Яхши» маҳалла фуқаролар йиғинлари биноси таъмирланди, Амударё туманидаги Амир Темир номидаги овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги 50 ўринли овул врачлик пунктини қуриш ишлари ниҳоятга етказилди. Самарқанд шаҳридаги «Аэропорт» маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Андижон вилояти Марҳамат туманидаги «Ўқчи», Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги «Орзу» маҳалла фуқаролар йиғинлари янги биного кўчиб ўтди. Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги «Навкент» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги янги спорт мажмуаси ишга тушириш учун шай ҳолга келтирилди. Қарши шаҳридаги 21 маҳаллада, Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги «Олимпия» ва «Умид» фуқаролар йиғинлари ҳудудида болалар майдончалари тартибга келтирилди.

Ҳашар кунлари халқимизнинг меҳр-оқибат, савоатпешалик, муҳтожларни қўллаб-қувватлаш каби эзгу қадриятлари янада кенг намоён бўлди. «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлим ва бўлиналари ҳамда ҳомийлар қўмағида ногиронлар, яқка-ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилди.

Хайрия ҳашаридан тушган маблағлар «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳисобрақамига ўтказилди. Бу маблағлар маҳаллаларни ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига кўмак бериш, кексалар, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Мамлакатимиздаги улкан бунёдкорлик жараёнига уйғун тарзда ўтган умумхалқ ҳашари оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш билан бирга, юртдошларимиз қалбида бугунги тинч ва осойишта, фаровон кунларга шўқроналик, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтиришга хизмат қилди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,  
Ўза муҳбири



# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

## II БОБ

Яратган оламни бино қилганда,  
Шошни ҳам шу сафда имло қилганда.

Тупроғин барака бағридан олган,  
Кўйнига жаннатий насимлар солган.

Неки ато этган — мўл қилиб берган,  
Заминин чаманзор, гул қилиб берган.

Дехқони ер билан тиллаша олган,  
Боғбони гул билан сирлаша олган.

Болари ҳар гулда чандон яйраган,  
Кумри чаҳ-чаҳ урган, булбул сайраган.

Кўҳна Шош азалдан шундай яралган,  
Ундан бу оламга ҳикмат таралган.

Тарих — бу мазийнинг талқини асли,  
Тарих — ўчмас руҳлар ёлқини асли.

Зардуштий боболар хитоби ичра,  
Муҳаддас «Авесто» китоби ичра

Турон одамлари «Тур» деб аталган,  
Қароргоҳи — «Қанга» — ҳур деб аталган.

«Маҳобҳорат»<sup>1</sup> — бу ҳинд ҳикмат каломи,  
Унда ҳам битилган Қанқанинг номи.

Асли, милоддан ҳам минг йил илгари,  
Мақон тутган дарё орти сақлари<sup>2</sup>.

Қадим Эрон шоҳи Шопур Биринчи,  
Фатҳномасини очиб кўринг-чи.

Сосонийлар ила жангу жадалда  
Чоч аҳлин мардлиги битилган унда.

Араблар «Ч» ҳарфин билмай ўтганлар,  
Шу сабаб Чоч эмас, Шош деб битганлар.

«Мадинат аш-Шошу» ҳам «Бинкат» номи  
Араблар даврининг Чочга «инъоми».

Кун келди пойтахти Мингүрик бўлди,  
Кўрку салобати хуш кўрик бўлди.

Курдилар, буздилар минг йиллар аро,  
Ким бахти қародир, ким бағри яро.

Миллатнинг шонидир — Шошнинг тарихи,  
Асрий армонидир — Шошнинг тарихи.

Мингүрик, Мингүрик, эй қадим боғим,  
Асрлар кўксига ёнган чироғим.

Ўйлаб ўйларимга етмайман ҳамон,  
Қалбимни қалқитар минг бир титроғим.

Гулларинг бўронлар совурдими, айт?  
Жисмингни суронлар қовурдими, айт?!

Ғалвали дунёда қанча гулладинг,  
Мингүрик, Мингүрик, ўйлайман шу пайт.

Кўзлар ҳам гул бўлган гуллаган пайтинг,  
Ҳар дил булбул бўлган гуллаган пайтинг.

Сенинг гулларингдек боқира қизлар,  
Пойингда қувнашган аёллар айтиб.

Дилдорлар диллашса, дил бўлар дунё,  
Тинч бўлса, аслида, гул бўлар дунё.

Аждодлар мероси қадрин толганда,  
Ҳикматлар жамлашиб нур бўлар дунё.

Эй, ўн уч аср<sup>3</sup> ичра таралган нурум,  
Минг йиллар нарида товланган дурум,

Санъат самосида шарафлар толган,  
Мингүрик, Мингүрик, қадримсан, кўрим.

Дунё талашганлар дунёдан кетди,  
Тупроқ остидалар зиёдан кетди.

Сен-ку, тушмагайсан абад тиллардан,  
Сени вайрон қилган — дуодан кетди.

Асрлар кўҳна Шош пойтахти бўлиб,  
Миллатнинг гурури ҳам тахти бўлиб,

Бугун-чи, табаррук номинг яшайди,  
Мингүрик — Мингүрик дарахти бўлиб.

Бир кунда қурилмас ҳеч битта шаҳар,  
Бир кунда бузишар қасд қилса азар.

Икки минг икки юз йиллар ичинда,  
Не дардлар кечмади диллар ичинда.



Маҳмуд ТОИР

## ЯНГИ ТОШКЕНТНОМА (Достон-фахрия)

Неча бор қурилди кўҳна Шошимиз,  
Бузилса тош ювди кўзда ёшимиз.

Абадий дунёда умри онийлар,  
Сомонийлар ёки қорахонийлар.

Гоҳида қалб меҳрин тафтига олди,  
Гоҳ кимдир қаҳрининг забтига олди.

Мўр-малаҳ мисоли мўғул талади,  
Қасру қалғаларга оташ қалади.

Доду фарёд билан ўтган у кунлар,  
Рухларнинг оҳида бергайдир унлар.

Дунёда элатлар, эллар бисёрдир,  
Кимлар ҳур, кимлар қул, тўқ ва почордир.

Ҳар кимнинг нияти йўлдоши бўлмай,  
Эътиқод, иймони қўлдоши бўлмай.

Умидсиз қилмагай умидли дунё,  
Чин дилдан сўрсангиз, бергайдир Худо.

Кўҳна Кеш замини ногоҳ тўлғонди,  
Бағрида порлаган нурдан уйғонди.

Барча кароматлар Парвардигорда,  
Бир ўғлон туғилди Хўжа Илғорда.

Миллат ори бўлди, соҳибқирони,  
Амир Темур олди ярим дунёни.

Азиз-авлиёлар қўлини тутди,  
Пири комилларнинг йўлини тутди.

Масжиду мадраса, мақбара дейин,  
Шошнинг бағрида ҳам кўрсатди бўйин.

Адолат туғини тутиб самода,  
Буюк номи қолди кўҳна дунёда.

Тарихда битмишлар — Султони шариф,  
Шошга саккиз бора буюрган таширф.

Юришлар олдидан фикру ўй қилган,  
Жаҳонгир Мирзога шунда тўй қилган.

Ҳар бир таширфидан қутлуғ из қолган,  
Савобу саховат, ёруғ юз қолган<sup>4</sup>.

Бир-бир санаиш мушкул хонлар номини,  
Ҳеч ким тўлдирмади ҳаёт жомини.

Ким қазган чоҳнинг қурбони бўлди,  
Кимдир элнинг оқил сарбони бўлди.

Аммо боқий эмас ҳеч ким дунёда,  
Олмас насиб этганидан зиёда.

Ким қурди — ортида Кўёш қолдирди,  
Ким бузди — ўзига қарғиш олдирди.

Бугун қадим Шошнинг чироғи бўлиб,  
Илму маърифатнинг маёғи бўлиб,

Кўҳна обидалар порлаб турибди,  
Оламни бағрига чорлаб турибди.

Хўжа Аъламбардор мақбараси бу,  
Шайх Зайниддин бобо мартабаси бу.

Шайх Хованди Тохур, Бароқхон бобо  
Рухи покларидан олгани дуо

Бугун келгучилар турнақатордир,  
Кукалдош кўҳна-ю, хўб нуриқордир.

Абулқосим Шайхнинг мадрасаси ҳам,  
Нуру зиё сўрар ўзидек кўркям.

Ҳазрати Имомнинг мажмуасида,  
Ҳар дилда юз очар минг бир қасида.

Кўринг, Қалдирғочбий, Занги отани,  
Зиёратга келган кичик-каптани.

Чехрасида офтоб, сўзларида бол,  
Тақдирдан рози, умридан хушҳол.

Минг йиллар наридан сўйлаш кўп қийин,  
Тарихнинг буйига бўйлаш кўп қийин.

Чунки бу кунларга осон келмадик,  
Рухлар армон қилар: «Омон келмадик!»

Тилдан айирганда диллар сўзлади,  
Дилдан айирганда иймон бўзлади.

Комига тортганда Сибир сургунни,  
Миллат мардларининг битгани кунни.

Мисоли кўринмас шамолат кетдилар,  
Элнинг фарзандлари увол кетдилар.

## III БОБ

Кўҳна Шош бағрида минглаб шаҳидлар,  
Ҳанча азобларнинг овози бордир.

Шафқат қилмади ҳеч қонхўр палидлар,  
Элу юрт бу дарддан ҳамон ағбордир.

Йигирманчи йиллар, йигирма минг чоҳ,  
Шўролар миллатнинг шўри бўлди-ку!

Ўттизинчи йиллар, элу юрт гувоҳ,  
Маърифат аҳлининг гўри бўлди-ку!

Элда очарчилик, хорлик ҳам зорлик,  
Иқтилоб сўзини еб бўлмас эди.

Бу дунё кўзларга қилса ҳам торлик,  
Бир оғиз ҳақ сўзни деб бўлмас эди.

Илму иршод устаб, чироқ тутганни  
Кўларин боғлашди, тўсишди йўлини.

Ҳурилик деб эл ичра байроқ тутганни  
Ҳолин хароб қилиб, кесишди тилини.

Маърифат ўчоғи — кўҳна Шош забун,  
Зиндонга сизмасди бутун бир миллат.

Кўп ўйлаб ўтирмай айтилди шу зум,  
Қатлағоҳ керакдир, қатлағоҳ, албат.

Алвасти кўприк<sup>5</sup>, эй, Алвасти кўприк,  
Номингга лаънатлар ёғилган сенинг.

Бағрингда фарёду фақат дод кўрдик,  
Минглаб жонни ютиб чиқмади унинг.

(Давоми келгуси сонда)

Яқинлашиб келаётган истиқлол айёми  
арафасида туман ва маҳаллаларда турли  
хил маънавий-маърифий тадбирлар  
ўтказиб келинмоқда.

## МУСТАҚИЛЛИК — БУЮК НЕЪМАТ

«Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шiori остида уюштирилаётган ана шундай тадбирлардан бири Чилонзор туманидаги «2-Чарх Камолон» маҳалласида ҳам бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги ҳамда Маънавият тарғибот маркази туман бўлими томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, оилавий шифохоналар ходимлари, маҳалла фахрийлари билан бир қаторда олимлар, санъаткорлар ва адиблар ҳам иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев мустақиллик берган буюк неъматлар, юртимизда амалга оширилаётган самарали ислохотлар, оилаларимизнинг мустаҳкам бўлишида, тадбиркорликни ривожлантириш йўлида қилинаётган саяёҳаракатлар ҳақида фахр билан тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова ўзининг байрам табриклари билан йиғилганларнинг дилини хушнуд этди.

— Мустақиллик даврининг ҳар бир куни йилларга, йиллари эса асрларга тенг бўлди, дея баралла айта оламиз,— дейди биз билан суҳбатда Лутфий маҳалласи фаоли «Халқ маорифи аълоҳиси», «Эл-юрт хурмати» ордени соҳибни Хури ая Алимхўжаева. — 75 ёшни қарши олдим, шунга қарамай 30 йилдан буён маҳаллада фаолият юритаман, шу вақтга қадар эса 50 йил мобайнида мактабда ўқитувчи сифатида фаолият юритдим. Мустақиллик йилларида юртимизда мисли кўрилмас даражада ўзгаришлар юз берди. Баланд иншоотлар қад кўтарди, янги мактаб, коллеж ва лицейлар фойдаланишга топширилди. Буларнинг барчасини истиқлол бизга берган буюк неъмат десак, муболага бўлмайди.

— Мустақиллик айни пайтда маънавиятнинг ажралмас қисми бўлган миллий тил ва маданиятни тараққий эттириш, ўз-ўзини англаш, миллий гурур ва ватанпарварликни устириш ва мустаҳкамлашга ҳам йўл очганини таъкидлаш зарур. — Зеро юртимиз тараққиёти, маънавий камолоти истиқлол гоиларини кишилар, айниқса, ёшлар онгига, кундалик ҳаётига чуқурроқ синдиришга боғлиқдир, — дейди Маънавият тарғибот маркази Чилонзор тумани бўлими раҳбари Гулчехра Дўсметова. — Ана шундай улкан максادلари кўзлаган ҳолда бугунги тадбиримизни ўтказмоқдамиз.

Тадбир якунида хушовоз хонанда Шербек Шодиев ўзининг дилтортар кўшиқлари билан барчага кўтаринки кайфият улашди.

Энг улғ, энг азиз байрамимиз арафасида ўтказилаётган ана шундай тадбирлар бизни мустақиллик берган имкониятлардан тўғри фойдаланишга, уларнинг қадрига етишга, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни асраб-авайлашга, оиланинг, маҳалланинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида янада чуқурроқ билишга ундайди.

Камола МАХАМЕДОВА,  
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети  
талабаси

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Миллий матбуот марказида  
«Мустақиллик йилларида автотранспорт  
соҳасида амалга оширилган ислохотлар  
ва эришилган ютуқлар» мавзусида матбуот  
анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорт агентлиги томонидан ўтказилган тадбирда соҳа мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Президентимизнинг 2001 йил 4 июндаги «Автомобил транспорт соҳасида монополиядан чиқариш ва бошқарушни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ монополиядан чиқариш ва бошқаруш тизимини такомиллаштириш бўйича босқима-босқич тадбирлар амалга оширилди. Ортиқча бўғинлар (шу жумладан, республика миқёсидаги хўжалик юритувчи «Узавтотранс» давлат корпорацияси) қисқартирилди, давлат мулк объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари яқунланди. Автомобилда ташишларни марказлашган ҳолда амалга ошириш тажрибасидан воз кечилиб, улар маҳаллий ҳокимият органлари берилди.

Соҳадаги махсус давлат бошқаруви органи сифатида Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорт агентлиги ташкил этилди. Агентлик томонидан режалли равишда давлат транспорт сиёсатини юритиш, соҳада хизматлар кўрсатиш бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга ҳамда дарё транспортда ташишлар хавфсизлигига кўмаклашиш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

— Агентлик томонидан ўтган йиллар мобайнида юздан ортиқ метёрий-хуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди, — дейди Автомобил ва дарё транспорт агентлиги бошлиги ўринбосари Шоолми Шоваҳобов. — Ислохотлар натижасида автотранспорт хизматлари бозоридан нодавлат секторнинг улushi ортиб, бугунги кунда йўловчилар ташишда деярли 100 фоиздан ва юк ташишда 90 фоиздан ортиқни ташкил қилмоқда. 2000 йилнинг 1 январига бугун маълумотларга кўра, республикада жами 265 та автокорхона юк ва йўловчи ташиш билан шуғулланган бўлса, 2012 йилнинг 1 июль ҳолатига уларнинг сони 3 минг 841 тага етди.

2011 йилда барча турдаги транспортда ташилган йўловчиларнинг 98 фоизи, юқинг эса 89 фоизи автомобил транспорт хиссасига тўғри келди. Автотранспорт хизматлари кўрсатаётган транспорт воситаларини янгилаш юзасидан доимий равишда ишлар олиб борилаётган. Жумладан, охириги беш йил мобайнида республика вилоятларида 4849 та, шу жумладан, 2011 йилда 594 та «Исузу» автобуслари сотиб олинди. Ушбу жараён давлат бюджетидан маблағ талаб этилмасдан ва давлат кафолатисиз амалга оширилмоқда.

Миллий автомобил ташувчиларининг хоржий мамлакатлар худудлари бўйлаб ташувларни амалга оширишлари учун уларга хуқуқий мезон яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси автомобилда ташувлар соҳасида 9 та халқаро конвенцияга ва 2 та халқаро битимга қўшилди ҳамда 27 та давлат билан иккитомонлама ҳукуматлараро битимларни имзолади. Натижада ҳозирги кунда республикада 130 тага яқин ташувчилар халқаро ташувларни амалга ошириш учун тегишли лицензияга эга бўлиб, республиканинг экспорт-импорт юқларини ташишда муносиб хисса қўшмоқда.

Анжуманда агентлик томонидан автотранспорт соҳасига ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши, жумладан, «SMS орқали маълумотлар базасидан сўров» интерактив хизмати ҳамда шаҳарлараро автобусларга ўрнатилган GPS тизими ҳақида, Агентликнинг келгуси иш режалари тўғрисида ҳам батафсил маълумот берилди.

Фармонбек МАТНАЗАРОВ,  
«Туркистон-пресс»

1. «Маҳобҳорат» — қадимий ҳинд эпоси.  
2. Сақлар — Осиё даштларининг қорвадор аҳолиси. Сўнгги археологик маълумотларга кўра (С.Баратов) мил. Ав. 1-минг йилликнинг 1-ярмида Тошкент воҳасида «амюргий сақлари» (дарё орти сақлари) яшаган.  
3. Мингүрик — ўн уч аср мобайнида Шошнинг пойтахти бўлган.  
4. Амир Темур шимолга юриш даврида Тошкентда 1361, 1364-1365, 1367-1369, 1390-1392, 1404 йилларда бўлган. Низомиддин Шомий қолдирган манбаларга кўра, 1367-68-йилларда Тошкентда Соҳибқирон «амир Кайхўсрав қизи Рухияни ўғли Жаҳонгирга тўй қилиб олиб берган. Шаҳарда бир ой тўй бўлиб, вақтларини завқу сафода ўтказдилар. Тошкент. — Энциклопедия — 2009, 72-бет.  
5. Мустақиллик даврида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси барпо этилган маскан тарихда Алвасти кўприк деб аталган.

## ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

Барчангизни Истиқлолимизнинг

### 21 йиллик

шодиёналари билан чин юракдан қутлаймиз!  
 Мустақиллигимиз қадриятлари абадий бўлсин. Мамлакатимиз шону шавкати дунёларни забт этсин. "Мустаҳкам оила йили"да оилавий бахт ҳамиша ёр бўлсин!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР  
 ВАЗИРЛИГИ "ЎЗДИПТРАНСХИЗМАТ" ДАВЛАТ УНИТАР  
 КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

## ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Халқимизнинг Энг улуг, энг азиз айёли —  
 Мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами билан  
 барчангизни салимий муборакбод этамиз.  
 Сухат-саломатлик,  
 оилангизга тинчлик-хотиржамлик,  
 ишларингизда улкан ютуқлар тилаймиз.  
 Шукрли байрам кунларига барга эзгу  
 ниятларингиз амалга оқсин, арилар!

**"BILOL POLVON" ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

## "Қуёшча-Нури" масъулияти чекланган жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни  
 Мустақиллик байрами  
 билан табриклайди!

Ҳаммангизга суҳат-саломатлик,  
 муваффақият ва келгуси  
 ишларингизда равнақ тилаймиз!

Бизнинг маҳсулотларимиз  
 сизнинг ҳаётингизни  
 янада гўзал ва кўркем  
 қилади. Ҳаётингиз  
 ранг-баранг бўлсин!

Маҳсулотлар сертификатланган

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчангизни кириб келаётган  
 Энг улуг, энг азиз байрам —  
 Мустақиллигимизнинг йигирма  
 бир йиллик байрами билан сизни  
 муборакбод этамиз.

Осмонимиз доимо мусаффо,  
 қалбларимиз эзгу ниятларга тўлиқ  
 бўлсин, атроф-муҳит озодлиги ва эл-  
 юрт ободлиги йўлида амалга  
 ошираётган ишларингизда омад ёр  
 бўлишига тилакдошмиз.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш  
 қўмитаси жамоаси

### РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«КО'СНАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказилган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!**

**Аукцион савдосига Учтепа туман СИБ томонидан, ФИБ Учтепа туманлараро судининг 2011 йил 18 ноябрдаги 1866/2011-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Тонг 2-тор кўчаси, 27-уй манзилида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 600 кв.м бўлган, 6 та яшаш хонасидан иборат уй такроран қўйилмоқда.**

**Бошлангич баҳоси – 185 000 000 сўм.**

**Аукцион савдолари 2012 йил 14 сентябрь кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб таъиниши мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00

гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 12 сентябрь кuni соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ-МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказилган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. Расмий сайт: [www.1kms.uz](http://www.1kms.uz) Лицензия: RR-0001

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети томонидан 2003 йил 30 июнда Абдухаликов Кахрамон Тохтасинович номига берилган 1122 рўйхат рақамли В139490 сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

"Ўзбек давлат цирки" республика бирлашмаси

Хадра майдони

**ТОШКЕНТ ЦИРКИ**

31 августдан бошлаб 2012-2013 йилги мавсумнинг оқиши

Ўзбекистон Республикаси цирки етакчи усталари иштирокида катта байрам дастури

Ҳайвонларнинг қувноқ карусели  
 Кучукчалар, ламалар, мушуклар, маймунлар, пакана отлар, пахмоқ қуёнчалар!

Томошалар:  
 Шанба кунлари — соат 15.00  
 Яқшанбада — 12.00, 15.00 да бошланади

Телефонлар: 244-35-84,  
 244-32-23, 244-35-91 (касса),  
 244-35-09.

**«TOShSHAHARNUR» ДУК Марказий номли хизмати Тошкент шаҳри кўчаларини ёритиш масалалари бўйича шикоят ва мурожаатларни қўйидаги телефон рақамлари орқали қабул қилади:**

232-20-20, 233-35-64.

Кўчалар ташқи ёритилишининг ишламаслиги ҳақидаги мурожаатлар туман ёритиш хизматларида қўйидаги телефон рақамлари орқали қабул қилинади:

Мирзо Улуғбек тумани	265-11-90
Ҳамза тумани	296-16-48
Шайхонтохур тумани	245-57-04
Олмазор тумани	246-87-03
Яккасарой тумани	215-59-17
Учтепа тумани	278-37-18
Миробод тумани	293-40-87
Сергели тумани	215-25-34
Чилонзор тумани	288-20-33
Бектемир тумани	295-05-50
Юнусобод тумани	212-10-53

Камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганда, қўйидаги телефонлар орқали мурожаат этишингиз мумкин: 055 (куну тун), 250-43-08 соат 9.00 дан 18.00 гача.

Шунингдек, E-mail: [toshnur@inbox.ru](mailto:toshnur@inbox.ru).  
**«TOShSHAHARNUR» ДУК маъмурияти**

ХАЛҚ ҲАРОБОНЛИГИ  
 ҲАҚЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

**АГРОБАНК**

### Ҳаммаси кичикдан бошланади!

Кичик бизнес учун кредитлар

Кредит олиб гоъларингизни рўёбга чиқаринг!

[www.agrobank.uz](http://www.agrobank.uz)

Хизматлар лицензияланган

# СЕРҚУЁШ ҲАҚИМИЗ АҲЛИНИ

*Ватанимиз Мустақиллигининг йигирма бир йиллик тўйи билан қутлаймиз.*

*Эркин ва обод юртимиз ҳамisha юксак чўққилар сари интилаверсин. Осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлишини тилаб, энг эзгу ниятларимизни сизга йўллаймиз!*

**“NAVRO'Z INTERNATIONAL CORP”  
Қўшма Корхонаси Жамоаси**

**“ТОҶМАНАЛ ҚУРИЛИШ САҲДО СЕРВИС”  
ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

*Мамлакатимиз Мустақиллигининг йигирма бир йиллик шодқўнаси билан барча пойтахтликлар ва шаҳримиз меҳмонларини тадриклайди.*

Ватанимиз равнақи, жамиятимиз фаровонлиги ва юртимиз тинчлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда омад тилаймиз.

**“METLES-LEGION”**

**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

*Барча ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтликларимиз меҳмонларини Ватанимиз Мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрами билан тадриклайди.*

*Истиқболимиз абадий, жамиятимиз юксалиши барқавом бўлсин!*



**“CHINOBOD NEFT VAZASI”  
КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**  
**ПОЙТАХТИМИЗ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИНИ**

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ЙИГИРМА БИР  
ЙИЛЛИК ҚУТЛУҒ ТЎЙИ БИЛАН ЧИН  
КЎНГИЛДАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.**  
**ГУЛЛАБ-ЯШНАЁТГАН ОНА ВАТАНИМИЗГА  
КЎЗ ТЕГМАСИН. ДИЁРИМИЗГА ТИНЧЛИК,  
ХАЛҚИМИЗГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК,  
БАХТ-САОДАТ, ХОНАДОНЛАРИМИЗГА  
ФАЙЗ-БАРАКА ТИЛАЙМИЗ.**

**ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!**

*Сизларга бахту  
саодат, оилавий  
фаровонлик,  
мустақкам  
соғлиқ ва узоқ  
умр тилаймиз!*

*Ватанимиз  
Мустақиллигининг  
**21**  
йиллик байрами  
барчангизга  
муборак бўлсин!*

**“O‘ZTEMIRYO‘LYO‘LOVCHI”**

**ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**




**МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!**


*Барчангизни Ватанимиз  
Мустақиллигининг йигирма бир  
йиллиги байрами билан қизгин  
муборакбод этиб, самимий меҳр ва  
ҳурматимизни билдирамыз.*

*Сизларга  
сиҳат-саломатлик,  
бахту саодат,  
хонадонларингизга  
тинчлик ва фойзу  
барака тилаймиз!*

**“MET-FUR SERVICE”**

**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**





(Давоми. Боши 1-бетда)

Шундан 217 нафари кизлардир. Мана шундай қисқа вақт мобайнида ёшларимиз шаҳар миқёсида ўтказиб келинадиган мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритишди. Яқиндагина ниҳоясига етган «Ёз - 2012» мусобақалари ҳам улар учун муваффақиятли кечди. Ёшларимиз бадминтон ва стол тенниси спорт турлари бўйича биринчи, футбол, баскетбол, воллейбол ва каратэдан иккинчи, эркин курашдан эса учинчи ўринни қўлга киритишди. Бу ютуқлар байрамга биз учун муносиб тўхфа бўлди.

Халқимиз шодиёна байрам кунларини жуда севади ва ардоқлайди, бундай кунларда ким ҳам куй-қўшиқ, рақс ва айтишувлардан баҳраманд бўлиб, яқинлари билан дийдорлашни истамайди, дейсиз. Шу боис тадбир ташкилотчилари байрамнинг маданий қисмига эл суйган санъаткор ва хонандаларни таклиф этди. Тадбирни Ўзбек Миллий академик театри актёрлари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Маҳмуд ва Шоҳида Исмоиловлар оиласи олиб борди. Ўзбекистон халқ артистлари Олмахон Ҳайитова, Хайрулла Лутфуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зоя Цой, «Ниҳол» мукофоти соҳиблари Нигина Набиева, Шаҳноза Отабоева, шунингдек, эстрада хонандалари Мустафо, Фаррух Аҳмедов ҳамда Масрур Усмоновлар Ватанни улугловчи куй-қўшиқлари билан тадбирга кўтаринки кайфият бағишладди. Хонанда-қўшиқчиларга таклид қиладиган хушчақчақ «Улфатлар» жамоасининг чиқишлари ҳам томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Байрам тадбири иштирокчиларининг аксарияти боққа оиласи билан келган. Ўғилрой Тўймуро



### ДИЛЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

дова ҳам турмуш ўртоғи, икки ўғил ва бир қизи билан мазкур истироҳат боғига кўнгли ёзиш учун ташриф буюрган.

— Байрам тадбирлари юқори савияда ўтказилаётганини бу ерга йиғилган одамларнинг юз-кўзидан ҳам билиб олиш қийин эмас, — дейди Ўғилрой опа. — Санокли кунлардан сўнг Энг азиз ва муқаддас ҳисобланган Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги байрами мамлакатимиз миқёсида кенг нишонланиб, болажонларимиз учун муҳим бўлган ўқув йили ҳам бошланади. Шу боис фарзандларим бугунги тадбирни ўзига хос кўтаринки руҳда ўтказишмоқда, уларнинг қувончи ичига сиймапти.

Мирзо Улугбек туманида яшовчи Жаҳонгир Носиров ана шундай шодиёна кунларда давлат им-

тихонларидан муваффақиятли ўтиб, Чилонзор туманида жойлашган тиббиёт коллежига кирди.

— Бугун мактабни битириб таълимнинг кейинги босқичига кирган дўстларим билан имтиҳонлардан муваффақиятли ўтганимизни нишонлаш мақсадида мазкур боққа йиғилдик, — дейди Жаҳонгир. — Ташрифимиз мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишланган байрам тадбирига тўғри келганидан жуда хурсандимиз. Эндиликда дўстларим билан келишган ҳолда аъло баҳоларга ўқиб, Истиқлолимизнинг 24 йиллигига бағишланган байрам кунларида олий ўқув юртига киришга бор кучимизни ишга солишга аҳдлашиб олдик.

Отабек ОТАЁРОВ  
Козим Улмасов олган суратлар



### МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Иш билан энг, тиш билан эмас.

Ким тақдирига қул, ким ҳоким.

Ёмон яхшилиқни ҳам ёмонлик сифатида талқин қилади.

Аламзаданинг тили захар бўлади.

Ким топагон, ким қопагон.

Ҳамма нарсани муҳайё қилиб бермай, болаларнинг ўзига ҳам бир қисмини қолдириш керак.

Бировни ерга уриш ҳисобига ўзини улуглаш яхши эмас.

Ўзни таниш — муттасил азоб.

Бировнинг ўзи оч бўлса ҳам, кўзи тўқ, Бировнинг ўзи тўқ бўлса ҳам, кўзи оч.

Фаросат кўп нарсани ҳал қилади.

Бўш келгани ҳаёт тепкилаб ташлайди.

Эккан ҳосилини ўради, экмаган эккандан тама қилади.

Ҳаётдан кўнглинг совуса, яшашнинг қизиги қолмайди.

Бойлик соғлиқнинг ўрнини босмайди.

Тасодиф қурбонига айланишдан ёмони йўқ.

Бировнинг кўнглини оғритиб, ўзининг кайфиятинг чоғ бўлмайди.

Ишонч кишига куч бағишлайди.

Бир иш қилган киши атрофдагиларнинг муносабатини қутади.

Атрофдагилар эса бепарво.

Ҳаёт отлик муаллим қарзларингни топширмаганинга кўймайди.

Фақат ўзини ўйлайдиган одамда хосият бўлмайди.

Керакли одамнинг ўрни дарҳол билинади.

Худбиннинг бошқалар билан иши йўқ.

Инсонга ишониш керак, имкон бериш керак.

Дангасанинг баҳонаси доим тайёр.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



### Ўзбекистон футболнинг 100 йиллиги олдидан

### ЯНГИ СТАДИОНДА МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВЛАР

Республикада болалар спортини ривожлантириш ва унинг моддий-техник базисини такомиллаштириш, ўқувчи-ёшларни оммавий спорт тадбирларига кенг қўламда жалб этиш, истеъдодли ёшларни танлаб олиш ва уларга спорт билан мунтазам шугулланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш борасида қатор тадбирлар ва амалий ишлар бажарилмоқда.

чекланган жамиятлари ҳомийлигида пудратчи қурилиш ташкилотлари ва айниқса қурувчиларнинг сазй-ҳаракатлари билан чиройли ва кўркам қилиб таъмирланди ва қўтлуғ байрам арафасида фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан, Ўзбекистон футболнинг 100 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Футбол федерацияси, Яққасарой туман ҳокимлиги, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар ва Яққасарой туман Кенгаши ижроия қўмиталари ҳамкорлигида «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида 2012 йилнинг 23 августидан 9 сентябри-

га қадар замонавий тарзда янги таъмирланган футбол майдонида футбол бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Унда 4 та гуруҳга бўлинган ҳолда шаҳримизнинг жами 17 та жамоаси иштирок этмоқда. Бунда гуруҳ баҳслари 4 сентябрдан 4 давом этади ва 4 сентябрда нимчорак финал, 5 сентябрда чорак финал, 7 сентябрда ярим финал баҳслари ўтказилади. Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимидан сўнг «Ёшлик Тақачи» — «Бешқайрағоч», «Чилонзор» — «Динамо» жамоалари ўртасида беллашувлар бўлиб ўтди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ  
СУРАТДА: мусобақанинг очилишидан лавҳа

Козим Улмасов олган сурат

аниқланган беморларда тезкорлик билан муолажа жараёнлари бошлаб юборилади. Муолажада асосан кимётерапиянинг «Алда» усули қўлланилади. Шифокорларнинг айтишича, кимётерапияда соғлом ҳужайраларнинг зарарланиши кузатилади. Шу боис кучли антибиотиклар ва вирусга, замбуруғга қарши, шунингдек, қон компонентлари интенсив ҳолатда олиб борилган бўлса, 45 нафар донордан қон олиниб, беморга қуйилади. Бир ой давомида олиб борилган тезкор муолажалар ўз самарасини беради. Институтдаги бошқа бўлимларда ҳам шу каби муолажалар самарали бўлмоқда.

Акбар АЛИЕВ

Энг улуг, энг азиз айём — Истиқлолимизнинг йигирма бир йиллик байрами яқинлашгани сари жойларда уни тараннум этувчи, халқимиз онгу шуурида юзага келтирган ўзгаришларини кўрсатиб берувчи қатор маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

### НУРОНИЙЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Айём шукуҳи етиб борган Юнусобод туманидаги «Нуроний» оромгоҳида ўтказилган шундай тадбирларнинг бирида халқ ва юрт равнақи йўлида меҳнат қилиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган, доимо эъзоз-эътибордаги юзлаб отахон-онахонлар қалбига қувонч улашилди. Нуронийлар билан юзма-юз учрашиб тўкин дастурхон устида истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган улкан ишлар, асрларга татигулик ўзгаришлар, эришилган ютуқларни улар билан баҳам кўришнинг гашти ўзгача. Зеро, бундан йигирма бир йил аввалги орзулар бугун ҳаётий ҳақиқатга айланди. Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Янгидан-янги хиёбонлар, кенг ва равон йўллар, ҳашаматли саройлар, ўқув масканлари ва бошқа иншоотлар ишга туширилди. Ўзбекистоннинг бош кенти Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ҳозир шаҳарнинг энг диққатга сазовор жойларини айланиб сайр қилсангиз қалбингизда чексиз фахру ифтихор туйғулари алангаланди.

«Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида ташкил этилган мазкур маънавий-маърифий тадбир дилкаш давраларни соғинган, ўз қувончларини ўзгалар билан баҳам кўришни ниёт қилиб юрган иштирокчиларга завқ шавқ улашди.

Ўзбек Миллий академик драма театри артистлари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Рихис Иброҳимова, Теша Мўминовларнинг чиқишлари нуронийлар қалбига илиқлик бахш этди. Юнусобод туман Маданият ва спорт ишлари бўлими санъаткорлари томонидан ижро этилган мумтоз куй-қўшиқлар, дилбар рақслар байрам тадбирига янада кўтаринкилик бағишлади.

Иштирокчилар ўзларининг доимо ҳукуматимиз томонидан кўрсатиб келинаётган катта ғамхўрликлардан четта қолмаётганликларини яна бир бор ҳис этдилар. Истиқлолимиз боқий бўлишини чин дилдан тиладилар.

Гўзал АҲМАДАЛИЕВА

Хусусан, Яққасарой туманида ҳам 2006 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, Яққасарой туман ҳокимияти ва ҳомий ташкилотлар маблағлари ҳисобига 2-ТИПга мослаштирилган «Кушбег» болалар спорт мажмуаси қурилиб фойдаланишга топширилган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу мажмуада 1000 нафарга яқин ўқувчи-ёшлар спортнинг 10 дан ортиқ турлари билан мунтазам равишда шугулланмоқдалар. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиалининг 2008 йилдаги манзилли дастури асосида

13-сонли ихтисослаштирилган Олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ёпиқ сузиш ҳавзаси, 2009 йилда 160-сонли умумтаълим мактаби ҳудудида жойлашган «Қалдирғоч» сузиш ҳавзаси мукамал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунда спортнинг сузиш, сув полоти турлари бўйича 600 нафарга яқин ўқувчи-ёшлар бу ерда ўз маҳоратларини оширмоқдалар. «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан жорий йилда 144-сонли умумтаълим мактабининг футбол майдони «КОЗТЕХ» ва «ХАСКОВО» масъулияти

Гематология ва қон қуйиш институти саломатликни сақлаш йўлида фаоллик кўрсатиб келаётган йирик илмий муассасалардан саналади. Ўз номига яраша бу ерда фаолият юритаётган шифокорларнинг аксарияти мутахассисликлари бўйича тажрибали тиббиёт ходимларидир.

### САМАРАЛИ МУОЛАЖАЛАР

Биринчи гематология бўлимида ҳам олий тоифали шифокорларни учратасиз. Бўлим асосан 45 ўринли бўлиб, унга шаҳримиз ва республикамизнинг турли вилоятларидан аҳоли ниҳоятда оғир бўлган беморларни олиб келишади. Авваллари лейкоз хасталиги билан оғриган беморлар узоқ даволанар эди. Эндиликда янгича ёндошув йўлга қўйилди. Ушбу ташхис

Тошкент Оқшоми  
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32  
Телефонлар: Эълолар: 233-28-95, 236-57-65, факс: (371) 232-11-39  
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган  
Нашри етказиб бериш масалалари бунича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй  
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz  
Буюртма Г- 841  
Душанба, сешанба, chorshanба, пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
4970 нускада босилди.  
Қозғоқ бичими А-2  
Нашр учун масъул Д. Исроилов  
Босишга топширилди: 16.40

Ўзгидромет  
ХАБАР ҚИЛАДИ  
дарожа иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 29 августда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шалосанини даражаси 1-3 фойза пасайиши тахмин қилинмоқда, 17-19, кундузи — 32-34 да, тағмиқдори паст бўлади.





# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

\*\*\*

Бўзсувнинг бўйида алвасти,  
Ғаразнинг кўйида алвасти,  
Шунча узун жанми дасти,  
Қайга кўмди боболаримни?

Чоҳинг шунча чуқурмиди, айт?!  
Дийданг шунча сўқирмиди, айт?!  
Мен бўзлайман Бўзсув бўйида,  
Қайга кўмдинг доноларимни?

Уч қатлағх, уч дўзах сенда,  
Кундуз кўрқиб, отдингми тунда,  
Ўн уч минг! жон ётурми шунда,  
Қандай кўмдинг боболаримни?

Бирин боши, бирин кўлида,  
Ким бор билмас ўнгу сўлида,  
Не армонлар кетган дилида,  
Қандоқ кўмдинг боболаримни?

Ўздан чиққан лаганбардорлар,  
Ўз элига тиксанми дорлар?  
Сўрар ахир иймони борлар,  
Қайга кўмдинг боболаримни?

Қодирий — бу қалбимдаги шон,  
Юз йилда бир келарми Чўлпон,  
Кўлдан кетди энг нодир имсон,  
Қайга кўмдинг доноларимни?

Маърифатда ҳар бири булбул,  
Элбек, Боту увал кетган гул,  
Мингта булбул, минг дастада гул,  
Қандоқ кўмдинг боболаримни?

Қонга тўлган ҳаёт жомларин,  
Эрта ботган умр шомларин,  
Қандоқ санай бир-бир номларин,  
Қайга кўмдинг боболаримни?

Бўзсувнинг бўйида алвасти,  
Кимда кимнинг бор эди қасди?  
Лаънат сенга хиёнат дасти,  
Қайга кўмдинг боболаримни?

\*\*\*

Инқилоб, изингга ўт тушсин,  
Инқилоб, сўзингга ўт тушсин,  
Инқилоб, ўзингга ўт тушсин,  
Сени тилаб олганмидик, айт?!

Сен келгансан шимол шаклида,  
Гўё элга камол шаклида,  
Поён топдинг завол шаклида,  
Сени тилаб олганмидик, айт?!

Сен Ленини осмон қилгансан,  
Сталини султон қилгансан,  
Оддий халқни қирон қилгансан,  
Сени тилаб олганмидик, айт?!

Бойлик ташиб толди вагонлар,  
Неки топса, олди вагонлар,  
Русияда қолди вагонлар,  
Сени тилаб олганмидик, айт?!

Бешиқларда бўзлаган бола,  
Онасини излаган бола,  
Ўзбекистон, эй қадим нола,  
Бизлар шунча толганмидик, айт?!

Душман ичда бўлса, кўп ёмон,  
Хорланган эл шайди молон,  
Саксониччи йилда ҳам ҳамон,  
Сени тилаб олганмидик, айт?!

Йигирманчи аср ташвиши,  
«Пахта иши» — Гўлган қилмиши,  
Асли қизил салтанат иши,  
Сени тилаб олганмидик, айт?!

Ҳар нокасга букилса тизлар,  
Кеч очилса шунчалар кўзлар,  
Демак, миллат юз йиллаб бўзлар,  
Малоуматга қолганмидик, айт?!

Армони кўп бу кўҳна Шошнинг,  
Адоғи йўқ кўздаси ёшининг,  
Тилаб олган ёмғирли бошининг,  
Селобиди қолганмидик, айт?!

\*\*\*

Ким айтади кўҳна тарихнинг  
Армонларин адоғи бўлган,  
Боболарнинг кўллари надир,  
Юрагида қадоғи бўлган!

Ҳар куннинг ўз ташвиши бордир,  
Ҳар кунда ҳам умид юз очар,  
Кимдир сенга гулдаста тупса,  
Кимдир атай кўзга туз сочар.

Кўҳна Шошнинг тарихи — азал,  
Ҳар онига минг дафтар керак.  
Ҳақсизликдан титрайди гуҷуд,  
Эркинликдан энтикар юрак.

Ўтмишимиз — азоб овози,  
Яқин тарих — хорликнинг юзи,  
Бутун бир эл пешонасида —  
Ажсин эмас, машаққат изи.

Ризқ сўрашдан аввал оқиллар  
Элга одил пешво сўраган.  
Подшо сўрса — Соҳибқирондек —  
Бу оламда якто сўраган.

Ким кўрибди ётларни келиб  
Эл қорига яраганини.  
Қутар эди асрлар элим  
Раббисидан сўраганини.

Ҳар ниятининг аввали Худо,  
Чироғини тутгайдир ўзи.  
Керак эди ахир бу элга  
«Уйғон!» деган бир мардининг сўзи.

Ниятлари босафо элининг,  
Нидолари етгай Худого,  
Бир оқлининг шафоати-ла  
Нукта кўйгай асрий жафога.

Келди шундай замон хурнафас,  
Берди Аллоҳ элга Сарбонни.  
Эшон қилди бутун оламга  
Хурриятин Ўзбекистонни!

Минг тўққиз юз тўқсон биринчи  
Ҳам аввустининг ўптиз бирида.  
Олам кўрди Ўзбекистонни,  
Хуррият Хумосин нурида.

Етти аср оламда  
Буюк зотининг номи бор.  
«Куч — адолатда» деган  
Абадий каломни бор.

Ҳақиқат қарор топиб,  
Ўз ўрнига келгунча,  
Эл тилидан тушмаган,  
Сўз ўрнига келгунча.

Бу хиёбон не зотлар  
Туриш, тусин кўрмади,  
Эл талаган, юрт босган  
Итлар исин кўрмади.

Илк бор золим Кауфман  
Ҳайкалини кўйишди,  
Инқилобдан сўнг эса,  
Ундан ҳам хўб тўйишди.

«Озод меҳнат»<sup>2</sup> тимсоли  
Пайдо бўлди бу жойда.  
Меҳнат эмас, машаққат  
Оҳи эди ҳавода.



Таралади шу жойдан  
Гўё тинчлик жаранги.  
Хушёрликка хитобдир  
Тошкент қурантин занги.

Навоий авлодлар камолни тилаб,  
Кўҳна Шошнинг боқий жамолни тилаб,

Назмиди янградиб дил садоларин,  
Рухидан тўқмишидир хуш дуоларин.

\*\*\*

Бугун кўр, аё дўст, Навоий боғин,  
Қалбингда ёққайсан ҳавас чироғин.

Ҳар ниҳол, ҳар дарахт боғнинг виқори,  
Бир кўриб кетганининг тутгай хумори.

Ҳикмат булоғидан сув ичган улар,  
Ҳазрат шукӯҳидан нур қучган улар.

Бунда мажнунтоллар таъзимда тургай,  
Булуллар бол тўқиб назмда тургай.

Кўшга буй чўзган ҳар бир қарагай,  
Оқбадан қайишлар зулфин тарагай.

Дарахтлар — аслида тупроқ фарзанди,  
Замин кўксин эмар илдизи, банди.

Кўқарган жойида юртнинг юзидир,  
Шу элининг кўкдаги кўркам сўзидир.

Бугун азим Тошкент боғлари — бисёр,  
Бағри доим баҳор, гўзал, мафтункор.

Аммо миллий боғ — бу миллат гурури,  
Шунда таралмишидир Наврўз гурури.

Бу байрам — кўкларнинг тонгига олқини,  
Бу байрам — меҳнатнинг бонгига олқини.

Энг улуғ, энг азиз байрам ҳам шунда,  
Бундай байрам бўлмас кўҳна очунда.

Бу байрам — тинчлик ҳам хушлик парвози,  
Бу байрам — бахтга ёр халқнинг бахт сози.

Бу боғда боқий бахт баҳори бордир,  
Бу боғнинг гуллари гурурдир, ордир.

Тошкент бўйлаб зилол-зилол оққан сувлар,  
Кўҳна Шошнинг кўксига гул таққан сувлар,

Ҳар бир жонга зам-замдашын ёққан сувлар,  
Хуш дуоси кафтга сиғмас наҳорингдан,  
Айланайши, Тошкент, сенинг Анҳорингдан.

Бу сувларда Тангрининг хуш каломни бор,  
Чотқол тоғин аҳли Шошга саломни бор,  
Бордир, яна ҳар нигоҳга оромни бор,  
Боларига бол улашган баҳорингдан,  
Айланайши, Тошкент, сенинг Анҳорингдан.

Шарқнинг дарвозаси, у — Шарқнинг кўрки,  
Осмондан тушмаган, шу халқнинг мулки.

Ҳар қарич ерида бир зот шарафи,  
Тириклик шарафи, ҳаёт шарафи.

Кўёш осмонига ҳавас-ла чиқар,  
Улуғлар изатин тиклаган шаҳар.

Миллий боғ аталмиш Навоий боғи,  
Дегайсиз, у мисли жаннат қучоғи.

Вале айт, аё дўст, у қайдан келди,  
Кўёшдан тўшди ми ё ойдан келди?

Навоий — то абад шарафланган зот,  
Лек аввал бунчалар этилганми ёд?

Истиқлол илк йилин хурмат, мақоми,  
Ҳазрат номи бўлди — Навоий номи.

Навоий ҳайкалин пойида бу кун,  
Таъзимда турибди эл-юрт бус-бутун.

Аслида бу хиёбон — Хуррият хиёбони,  
Хуррият нуридан осмонда,  
Адолат нуридан осмонда,  
Хур ният хиёбони.

Маҳмуд ТОИР

## ЯНГИ ТОШКЕНТНОМА

(Достон-фахрия)

Ўзбек кимнинг олқишин олди,  
Кимларнингдир дўку дашонини,  
Мухрлади лек минг-минг қалбларга,  
Миллат ўз бир мардининг номин.

Олам аҳли билди ўшал кун,  
Бордир унинг ўз тамойили.  
Сиддати инсонийликдир,  
Энди бўлмас ҳеч кимнинг қули.

Ва ниҳоят қадим Шошнинг ҳам  
Қулиб отган тонглари бўлди.  
Ҳар жаранги жонга уланган  
Мустақиллик бонглари бўлди.

Яхши кунни тўйламоқ яхши,  
Лекин бирдан кетмадик кўйлаб.  
Ҳар бир қадам ўйлаб босилди,  
Ҳар бир сўз ҳам айтилди ўйлаб.

Амир Тему́р мерос қолдирган,  
Адолатнинг туғини тутдик.  
Тенг кўрганга бағримиз очиб,  
Ҳасад, ғараз, кинини унутдик.

Аввал руҳлар ризосин тилаб,  
Қалбимизни озод этдик биз.  
Юртимизни обод айлабон  
Эл кўнглини обод этдик биз.

Шу кунларга етолмай кетган,  
Неъматларин тоғолмай кетган,  
Ватаним деб дунёдан ўтган,  
Бу мажмуа уларнинг шони,  
Шаҳидлар хотира майдони.

Бунда Бўзсув оқади соқин,  
Ним-ним сўқиб қирғоғи чоқин,  
У — дарёмас, дардли бир оқин,  
Шунда оққан уларнинг қони,  
Шаҳидлар хотира майдони.

Бунда Кўёш оҳ билан турар,  
Тунда осмон Моҳ билан турар,  
Миллат нури, чироғи улар,  
Чорлаб кўйинг майин сабони,  
Шаҳидлар хотира майдони.

Феруза ранг гўмбаз остида,  
Ғозгон мрамор, ганжлар устида,  
Қабр турар миллат дастиди,  
Тарқ этмангиз сиз ҳеч дуони,  
Шаҳидлар хотира майдони.

Қатағонда кетган қурбонлар,  
Расмлардан термилган жонлар,  
Шу музейда тоза иймонлар  
Суратидан кўрар дунёни,  
Шаҳидлар хотира майдони.

Майли бўзлар, майли оҳ урар,  
Бунда тарих тирилиб турар,  
Буюк бир эл кўнглига қирар,  
Меъморидир юртнинг Сарбони,  
Шаҳидлар хотира майдони.

Ҳар гўшаси хиёбон,  
Ҳар кўчаси гулзордир.  
Бугун Тошкент оламга  
Тинчлик учун тумордир.

Амир Тему́р номида  
Хиёбон бор кўп аъло,  
Чор тарафи улугвор  
Чор тарафи нур, зиё.

Тангри тутган туялори,  
Саҳибқирон остида.  
Адолат шамчироғи  
Нур сочади дастиди.

Уни кўйди, бўлмади,  
Бунисидан куйишди.  
Кун келди... қирқинчи йил,  
Сталини куйишди.

Қаҳридан қон томган зот,  
Сафдошлардан тонган зот,  
Турди бунда гурур-ла  
Эл қонига қонган зот.

Тилин тишлаб юрган эл,  
Кўлин тишлаб юрган эл,  
Шўроларга ишониб,  
«Дилин хушлаб» юрган эл.

Салом бериб шу зотга,  
«Олқини» ўқиб ҳаётга,  
Ори ўртаб ётса ҳам  
Чидади шу фарёдага.

Тарих, сенинг тошинг бор,  
Кўзинг тўла ёшинг бор,  
Наҳот, ахир юз йиллаб  
Заҳар солган ошинг бор?!

Кеч очилди бу кўзлар,  
Кеч айтилди бу сўзлар.  
Сталиндан қолгани —  
Қон излар... қонли излар!

Йил келди олтмиш саккиз!  
Яна бир янги қарор —  
Энди Маркс ҳайкали  
Турди бунда барқарор.

Хиёбондан ўтганлар,  
Унга таъзим қилдилар,  
Гўёки қарбдан чиққан,  
Кунга таъзим қилдилар.

Аммо шундай дейман-у,  
Томиримда зардоб бор.  
Бундан ўтган ҳар дилда  
Хурриятга хитоб бор.

Юзи қулган ўзбекининг,  
Кўзи қулган ўзбекининг,  
Юраги йиғлар эди  
Ўзи қулган ўзбекининг.

Бу хиёбон, аслида,  
Не зотларни кўрмади,  
Хушлик деб ўтган эрлар,  
Не додларни кўрмади.

Кун келди юрт кўкида,  
Балқиди кутган Кўёш,  
Ўзбекининг асл қадрин  
Кўлига тутган Кўёш.

Мустақиллик туғини,  
Баланд кўтарди Сарбон.  
Кутлади дўсту ёрлар,  
Кутлади руҳлар шоён.

Амир Тему́р номида  
Хиёбон бор кўп аъло,  
Чор тарафи улугвор,  
Чор тарафи нур, зиё.

Аслида бу хиёбон —  
Хуррият хиёбони,  
Адолат нуридан осмонда,  
Хур ният хиёбони.

1. Алвасти кўприкда 3 та қатлгоҳ бўлган. 1937-53 йилларда қатағонга учраган ватандошларимизнинг 13 минг нафари айнан шу ерда отиб ташланган.  
2. 1918 йили бу хиёбонга «Озод меҳнат ёдгорлиги» қўйилган.  
3. 1968 йил кўзда тутилмоқда.  
4. Ҳозирги кунда ҳам Тошкент шаҳри бўйлаб Бўзсув, Салор, Анҳор, Қорасув, Оққўрғон, Бўрижар, Оқтепа, Қорақамиш каби 8 та канал оқиб ўтади.

(Давоми келгуси сонда)

# ALOQABANK

Барча юрtdошларимизни  
мамлакатимиз Мустақиллигининг

## 21 ЙИЛЛИГИ

билан муборакбод этамиз.

Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик,  
оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик  
тилаймиз!



www.aloqabank.uz

YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN



## O'ZSANOATQURILISHBANK

Халқимизнинг энг улуг, энг азиз байрами –  
Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги билан  
чин дилдан қутлайди!



ХАЛҚИМИЗГА БАЙРАМ АРАФАСИДА ЯНГИ ОМОНАТНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

- "Ойла капитали" номли АҚШ долларидagi жамғарма омонати;
- мазкур омонатга маблағлар нақд АҚШ долларидa қабул қилинади;
- омонатнинг сақлаш муддати – 12 ой;
- омонатнинг минимал миқдори 300 АҚШ доллари ва максимал миқдори чегараланмаган;
- омонатнинг сақлаш муддати оралиғида қўшимча маблағ қабул қилинади;
- омонатга фонд миллий валютада кунлик ҳисобланади ва ҳар ойда тўлаб борилади.

www.uzpsb.uz

## КАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Кириб келаётган  
Мустақиллигимизнинг қутлуғ



байрами билан барчангизни муборакбод  
этамиз.

Тинчлик, сиҳат-саломатлик, яхши  
кайфият ва оилавий бахт доимо  
ҳамроҳингиз бўлсин!

"МАХСУСТРАНС" ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сизларни юртиниз Мустақиллигининг  
21 йиллиги байрами билан самимий  
табриклаймиз.

Мамлакатимиз фаровонлиги ва гуллаб-  
яшнаши йўлида олиб бораётган барча  
ишларингизда улкан ютуқлар тилаймиз.

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

## "ТОШБОЗОРСАВДО" УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

«TOShShAHARNUR» ДУК Марказий нозимлик хизмати Тошкент шаҳри кўчаларини ёри-  
тиш масалалари бўйича шикоят ва муурожаатларни куйидаги телефон рақамлари орқали  
қабул қилади: 232-20-20, 233-35-64.


Кўчалар ташқи ёритилишининг ишлaмаслиги ҳақидаги муурожаатлар туман ёритиш  
хизматларида куйидаги телефон рақамлари орқали қабул қилинади:

Мирзо Улуғбек тумани	265-11-90	Миробод тумани	293-40-87
Ҳамза тумани	296-16-48	Сергели тумани	215-25-34
Шайхонтохур тумани	245-57-04	Чилонзор тумани	288-20-33
Олмазор тумани	246-87-03	Бектемир тумани	295-05-50
Яккасарой тумани	215-59-17	Юнусобод тумани	212-10-53
Учтепа тумани	278-37-18		

Камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганда, куйидаги телефонлар орқали мууро-  
жаат этишингиз мумкин: 055 (куну тун), 250-43-08 соат 9.00 дан 18.00 гача.

Шунингдек, E-mail: [toshnur@inbox.ru](mailto:toshnur@inbox.ru),  
«TOShShAHARNUR» ДУК маъмурияти

**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР  
ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**



*Мустақиллигимизнинг  
21 йиллиги байрами билан  
барчангизни қизгин қутлаймиз.*

*Халқимизнинг тинчлиги ва фаровонлиги  
йўлида қилаётган самарали  
меҳнатингизда зафарлар ёр бўлсин!*



**“МУБОРАК ТАОМ”  
ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

**“РАҲЛА” ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН  
МАМЛАКАТИМИЗ  
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

**21 ЙИЛЛИГИ**

БАЙРАМИ БИЛАН БАРЧА  
ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИ  
САМИИЙ ҚУТЛАЙДИ.

ЮРТ ТИНЧЛИГИ,  
ВАТАН РАВНАҚИ,  
ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ  
ЙЎЛИДА ОЛИБ БОРАЁТГАН  
ИШЛАРИНГИЗДА КУЧ  
ВА ҒАЙРАТ, БАХТЛИ ҲАЁТ,  
МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ,  
ЙЎЛДОШ БЎЛСИН!



**“JASMIN ALEX”**

**ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**



*Хур диёримиз ривожини йўлида сидқидилдан  
меҳнат қилаётган қалби дарё  
юртдошларимизни Энг улуг,  
Энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг  
21 йиллиги билан муборакбод этади.  
Юртимиз бундан-да обод ва фаровон,  
Истиқлолимиз абадий бўлсин!*

**ҚАДРЛИ  
ЮРТДОШЛАР!**

Юртимиз  
Мустақиллигининг  
йигирма бир йиллиги  
байрами билан барчангизни  
Энг эзгу тилакларни  
изҳор этган ҳолда  
самимий қутлаймиз.  
Сухат-саломатлик,  
кўтаринки кайфият,  
тинч ва фаровон ҳаёт  
йўлдошингиз бўлсин!

**“AGRO INTER PLAST”  
қўшма корхонаси масъулияти  
чекланган жамияти жамоаси**





**ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!**


«Асака» банки (ОАЖ) ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ Сизларни Мустақиллик байрамнинг 21 йиллиги муносабати билан қутлайди ва қуйидаги янги миллий валютадаги муддатли омонат-турини таклиф этади.

**«Мустақиллик 2012»**

Сақланиш муддати – 12 ой. Ҳисобланган фойзлар олдиндан ёки омонат ёпилгандан (12 ойдан сўнг) берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сергели филиали	371	258-67-49
Тошкент вилояти филиали	371	120-84-13



Хизматлар лицензияланган!

«Асака» банки (ОАЖ) сармоягизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

**Мамлакатимиз**

**Мустақиллигининг қутлуғ**

**21 йиллиги шуқуҳи кезаётган**

**ушбу фарахбахш кўнларда азиз**

**юртдошларимиз ва қадрли**

**ҳамшаҳарларимизни улуғ айём**

**билан муборакбод этамиз.**



**Самимий тилаклар билан**

**«БЕКТЕМИР-СПИРТ»**

**экспериментал заводи жамоаси**

**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР  
ВА ТОЙПАҲТИЛИВИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**



Ватанимиз  
Мустақиллигининг  
ийгирма бир йиллик  
байрами билан  
барчангизни қизгин  
қутлаймиз.  
Мустаҳкам соғлиқ  
ва байрамона  
кайфият ҳамisha  
сизларга ёр бўлсин!



**"TO'LAGAN SHAKARPAZ"**  
**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИАТИ ЖАМОАСИ**

«Respublika Mulk markazi» ЕАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:  
1. «АЗ-968» русумли д/р 30 I 7458 бўлган 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 11.01.2011й, №16024/21. Бошланғич баҳоси – 201 870 сўм.  
2. «АЛКАН-13» русумли д/р 19А722 бўлган 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 08.06.2009й, №6573/14. Бошланғич баҳоси – 1 181 304 сўм.  
3. «ГАЗ-2401» русумли д/р 11F3897 бўлган 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 08.10.2010й, №12057/1. Бошланғич баҳоси – 716 899 сўм.  
4. «Москвич-2140» русумли д/р 30Q3517 бўлган 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.05.2010й, №7461/21. Бошланғич баҳоси – 615 118 сўм.  
5. «Ваз-2109» русумли д/р 10W768ВА бўлган 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 28.10.2011й, №21134/21. Бошланғич баҳоси – 5 186 835 сўм.  
6. «BMW-316» русумли д/р 11Z5740 бўлган 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 26.08.2011й, №15694/21. Бошланғич баҳоси – 6 522 120 сўм.  
7. «МАЗ-35334» русумли д/р 30В1963 бўлган 1982 йилда и/ч автотранспорт

воситаси, ижро ҳужжати 08.09.2009 й, №10880/11. Бошланғич баҳоси – 19 492 083 сўм.  
Аукцион савдоси 2012 йил 18 сентябрь кунини соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.  
Такроран ўтказиладиган аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2012 йил 14 сентябрь кунини соат 18:00.  
Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.  
Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фойзидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika Mulk markazi» ЕАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИИН: 200933850.  
Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамши кўчаси, 1А-ўй. Тел: 228-79-52.